

ТМД – “Imkon Plus” нинг кенгайиши

Мамлакат:
Ўзбекистон

Лойиҳа рақами:
49508

Бизнес сектор:
Қишлоқ хужалиги ишлаб чиқариши

Хабар тури:
Хусусий

Экологик тоифаси:
В

Мўлжалланган кенгаш йиғилиши санаси:
13 декабрь 2017 й.

Мақоми:
Ғоя кўриб чиқилган

ҚЛХ эълон қилиниши:
27 октябрь 2017 й.

Лойиҳа шарҳи

Ўзбекистонда етакчи музқаймоқ ишлаб чиқарувчиси бўлган Imkon Plus МЧЖга ("Компания") 10 миллион АҚШ долларигача бўлган узоқ муддатли таъминланган юқори кредит ажратиш.

Лойиҳа мақсадлари

ЕТТБнинг маблағи Компаниянинг тарқатиш тармоғини кенгайтиришга, шунингдек музлатгич ва музлатилган мева ва сабзавотларни қайта ишлаш иншоотларини яратиш ва ишга тушуришга ёрдам беради.

Ўтиш иқтисодиётига таъсири

Лойиҳанинг ўтиш иқтисодиётига таъсири унинг рақобатли ва яхши бошқариладиган хусусиятларга ҳисса қўшишидан оборат бўлиши кутилади. Ҳусусан, Лойиҳа Компаниянинг тақсимот тармоғини кенгайтириш (жумладан, янги шаҳарларга кириб

бориш) ва янги музлатилган мева ва сабзавотлар сегментини ривожлантириш орқали (жумладан экспорт имкониятларини ўрганиш натижасида) бозор қамровини ва фаолияти самарадорлигини оширишида Компанияни қўллаб-қувватлайди. Бундан ташқари, Лойиҳа Компаниянинг бошқаруви ва бизнес юритишини мустақамлаши ва яхшилаши, айниқса (ХМҲСни қабул қилиш орқали) молиявий бошқариш ва ҳисоботни такомиллаштириш билан боғлиқ, шунингдек (ISO-22000 стандартига тайёрлаш орқали) халқаро сертификатлаштириш ва стандартлаштиришни қабул қилишини қўллаб-қувватлаши кутилади.

Мижоз хақида маълумот

IMKON PLUS

Imkon Plus МЧЖ 1997 ташкил этилган Ўзбекистондаги музқаймоқ ишлаб чиқариш бўйича етакчи компания.

ЕТТБнинг молиялаши

10 000 000.00 АҚШ доллари

10 миллион АҚШ доллари миқдоридаги узоқ муддатли кредит икки транш орқали тақдим этилади.

Лойиҳанинг умумий қиймати

13 500 000.00 АҚШ доллари

Экологик ва ижтимоий масалалар

“В” тоифасига киради (2014 йилги ЭИС). Музқаймоқ ишлаб чиқариш ва мева-сабзавотларни музлатиш муайян экологик ва ижтимоий масалалар билан боғлиқ бўлади, ва улар одатда тўғри тушунилади ва стандарт юмшатиш чоралари орқали тез ҳал этилади. Ички экологик ва ижтимоий (Э&И) текшириш Банк ходимлари томонидан амалга оширилган, ҳамда Компания томонидан Э&И сўровномани тўлдириш ва Банкнинг ЭББ мутахассиси жойга чиқишидан иборат бўлган.

Компаниянинг ишлаб чиқариш ва омбор иншоотлари Тошкент шаҳридан ташқарида Қибрай туманида жойлашган. Компания Европа ва Шимолий Америкадан келтирилган замонавий асбоб-ускунадан иборат ишлаб чиқариш линиясидан фойдаланиб 75дан ортиқ турдаги музқаймоқ ишлаб чиқаради, Компания шунингдек маҳсулотларни етказиб бериш учун ўзининг юк машиналарига эга. Озиқ-овқат хавфсизлиги, атроф-муҳит ва соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни бошқариш асосан миллий талабларга асосланган, гарчи Компания ISO 9001 сифат стандарти бўйича сертификатланган бўлсада. Атроф-муҳит, соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни бошқаришга ишлаб чиқариш ходимлари маъсул, ва атроф-муҳит, озиқ-овқат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни бошқариш бўйича расмий тизим мавжуд эмас. Асосий экологик масалалар озиқ-овқат саноатига хос бўлган сув ва энергиядан фойдаланиш, чиқинди сувларни ва қаттиқ чиқиндиларни бошқариш ва чекланган миқдорда ҳавога эмиссияни ўз ичига олади. Алоҳида тайинланган кадрлар

бошқармаси бошлиғи мавжуд ва кадрларни юритиш миллий талаблар асосида амалга оширилади.

Атроф-муҳит ва ижтимоий чора-тадбирлар режасига киритилаётган бир қатор такомиллаштирилиши зарур бўлган масалалар мавжуд. Такомиллаштиришлар Э&И бошқарувга маъсул бўлган ходимларни тайинлаш, ISO 14001 ва OHSAS 18001га мувофиқ расмий бошқарув тизимини амалга ошириш, ISO 22,000 га мувофиқ озиқ-овқат хавфсизлиги бошқарув тизимини жорий этиш, ва қайта кўриб чиқилган шикоят механизминини амалга оширишдан иборат. Компания ЭИТР (экологик ва ижтимоий тадбирлар режаси) амалга оширилиши бўйича йиллик Э&И ҳисоботлар топшириш орқали Банкка ҳисобот бериши зарур бўлади.

Компаниянинг алоқа маълумоти

Жаноб Жаҳонгир Таджиев, Бош директор ўринбосари
jahon_t@inbox.ru

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қорамуш кўчаси, Салар қишлоғи

Бизнес имкониятлар

Бизнес имкониятлар ёки харидлар бўйича, мижоз ташкилотга мурожаат қилинг.

Давлат сектори лойиҳалари бўйича, [EBRD Procurement](#) ни қаранг: Тел: +44 20 7338 6794

Электрон почта: procurement@ebrd.com

Умумий саволлар

ЕТТБнинг харидларга алоқадор бўлмаган лойиҳа масалалари бўйича:
Тел: +44 20 7338 7168; Электрон почта: projectenquiries@ebrd.com

Оммавий ахборот сиёсати (ОАС)

ОАС ЕТТБнинг стратегиялари, сиёсати ва фаолияти ҳақида хабардорликни ошириш мақсадида ахборот ошкор қилиши ва манфаатдор томонлар билан маслаҳатлашишини белгилайди.

[ОАС ҳақида матн](#)

Лойиҳа шикоятлари механизми (ЛШМ)

Лойиҳа шикоятлари механизми (ЛШМ) бу ЕТТБнинг жавобгарлик механизмидир. У атроф-муҳитга ва/ёки ижтимоий зарар келтирган ёки келтириши мумкин деб ҳисобланган ЕТТБ томонидан молияланган лойиҳалар бўйича жисмоний шахслар ва ташкилотлардан келиб тушган шикоятларни мустақил кўриб чиқишга имконият яратади.

Шикоят бериш ҳақида маълумот олиш учун [Лойиҳа шикоятлари механизми](#) саҳифасини қаранг. ЛШМга маъсул шахс (pcm@ebrd.com) [ЛШМ Қоидаларига](#)

асосан шикоят бериш ва руйҳатга олиш ва мақбуллик мезонлари ҳақида сизнинг барча саволларингизга жавоб беришга тайёр.